

## ТАРИХИЙ НОМЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Жумаев Мустафо Еркин ўғли

Термиз давлат унверситети

жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10015175>

**Аннотация.** Мустақиллик йилларида ҳам жой номларини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилди. Ўрта Осиёнинг тарихий топонимияси бўйича айниқса Ш.Камолiddиннинг илмий ишлари таҳсинга сазовордир. Олим бир қатор асарларида туркий тиллар билан боғлиқ кўпгина топонимлар борлигини аниқлади. Бундан ташқари, С.Қораев, С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Турсунов, Ш.Сафаров, Т.Эназаров, И.Умаров, З.Чориев, Э.Бегматов ва бошқаларнинг тадқиқотлари ўлка топонимиясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

**Калим сўзлар:** топонимика, Қошғарий, материаллар, туркей сўзлар, Кармишева, К.Шониёзов, қишлоқ, «Девон ул-лугат турк».

### SOURCES OF HISTORICAL NAMES AND SCIENTIFIC BASIS OF STUDY

**Abstract.** In the years of independence, a number of studies were conducted on the study of place names. Sh. Kamoliddin's scientific work on the historical toponymy of Central Asia is especially commendable. The scientist found that there are many toponyms related to Turkic languages in a number of his works. In addition, the researches of S. Koraev, S. Tursunov, T. Paradaev, A. Tursunov, Sh. Safarov, T. Enazarov, I. Umarov, Z. Choriev, E. Begmatov and others are important in the study of the toponymy of the country.

**Key words:** toponomics, Kashgari, materials, Turkish words, Karmisheva, K. Shoniyozov, village, "Devon ul-lugat turk".

### ИСТОЧНИКИ ИСТОРИЧЕСКИХ НАЗВАНИЙ И НАУЧНАЯ ОСНОВА ИЗУЧЕНИЯ

**Аннотация.** В годы независимости был проведен ряд исследований по изучению топонимов. Особой похвалы заслуживает научная работа Ш. Камолiddина по исторической топонимике Средней Азии. Ученый обнаружил, что в ряде его работ встречается множество топонимов, относящихся к тюркским языкам. Кроме того, важное значение в изучении проблемы топонимика страны.

**Ключевые слова:** топонимика, Каишгари, материалы, турецкие слова, Кармишева, К. Шониёзов, село, «Девон ул-лугат тюрк».

Топонимикани ўрганиш маълумот тўплашдан бошланади. Бу иш одатда ўлкашунослик бўйича тадқиқот олиб борилаётган ҳудуд миқёсида амалга оширилади. Аввал маълумотларни тўплаш режаси ишлаб чиқилади. Шундан сўнг дала тадқиқотида киришилади. Далада тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аҳолидан эшитган ҳикоя, афсона ва ўтмиш ҳақидаги суҳбатлар ҳамда бошқа материаллар мунтазам ёзиб борилиши шарт. Шундан сўнг суриштириш ва суҳбат натижасида олинган маълумотларни тадқиқ қилишда топонимик тоифалар бўйича махсус картотекалар тузилади. Кейин шу асосида лугат тузилади. Топонимик маълумотлар тўплаш кўпинча шу ўлка тарихини

Ўрганиш иши билан паралел ҳолда олиб борилади. Илмий сафарлар ва саёҳатларда қатнашган ўлкашунослар археологик, этнографик маълумотлар билан бир қаторда топонимик маълумотларни ҳам тўплайди. Демак топономика ўлкашуносликнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Тарихий ўлкашунослик фани эса тарих фанининг бир бўлими сифатида ривожланиб бормоқда. Бу фан ҳар бир ўлкашунослик ва зиёлидан ўз ўлкасининг тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни талаб қилади.

Ўлка тарихини яхши ўрганмай туриб топонимик маълумотлардан ўлкашуносликнинг муҳим манбаи сифатида фойдаланиш ниҳоятда қийин. Ўлкашунослик билан шуғулланадиган ўқитувчилар топонимикага доир адабиётлар билан яхшилаб танишиб чиқишлари зарур. Ўзбекистон тарихини ўрганишда топонимик маълумотлардан фойдаланиш, топономика ва географик луғатлар тузиш, мавжудлардан фойдаланиш дарс мазмуни янада бойитади. Биз шу мақсадда Х.Ҳасановнинг «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан», С.Қораевнинг «Географик номлар маъносини биласизми?», Т.Нафасовнинг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати», «Қишлоғингиз нега шундай аталган?», Э.Мурзаевнинг «Очерки топонимики» каби асарлардан фойдаланишни тавсия қиламиз. Бу асарларда топономикалар ҳақида ҳар хил баҳс ва мунозаралар юритилган бўлиб, ўлка тарихини ўрганишда ўқитувчига жуда қўл келади.

Ҳар қандай тилнинг маънавий бойлигини, негизи ва нафосатини ундаги сўзлар белгилайди. Шу сабабли сўзларни барча мутаффакирлар жавоҳирларга, марварид ва дурларга қиёс қилишади. Ҳар бир тилнинг қанчалик бой ва серқиралиги, биринчи навбатда мана шу сўз-дурларнинг миқдори билан белгиланади. Тилшунослик сўзларни икки улкан гуруҳга тасниф қилишлари лозим: турдош отлар ва атоқли отлар. Турдош отлар борлиқдаги нарсалар, воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни умумлаштириб атайди. Чунончи, «тоғ» сўзи ҳар қандай тоғнинг умумий номидир. Шунингдек, «шаҳар», «қишлоқ» сўзлари ҳам ҳар қандай шаҳар ва қишлоқларнинг умумлашма номидир.

Қадимги жой номлари йўналишида илмий тадқиқотларда Ўзбекистонда юз бераётган кенг қамровли туб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз, бой маънавиятимиз ва улуғ аجدодларимизнинг улкан меросини чуқурроқ ўрганишимиз учун қулай имконият яратди. Шу боисдан ҳам ер юзидаги маълум бир минтақада яшовчи халқларнинг табиий-географик жойлашуви, этногенези ва этник тарихи, антропологик ва этнолингвистик хусусиятлари, моддий маданияти, маиший турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёти ва оила-никоҳ муносабатлари, маросимлари ҳамда урф-одатларини ҳолисона тарзда илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

Маълумки, жаҳондаги барча халқлар ва элатлар анча мураккаб этник жараёнларни бошдан кечирганлар. Чунки ҳар бир этнос узоқ тарихий давр мобайнида турли элатлар билан алоқада, баъзан бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, бошқа этнослар билан аралашиб, уларни ўзига сингдириб ёки таркибий қисм қилиб олиш натижасида шаклланиб борганлигини тадқиқотлардан биламиз. Кишилар қадимдан ҳар бир нарсани ва воқеа-ҳодисани махсус ном ёки атама билан атагани натижасида сўзлар пайдо бўлиб, аждодлардан авлодларга етиб келган. Ана шу сўзлар ҳар бир халқнинг қадимий тарихини, унинг бой кечмишини, ўтмиш маънавиятини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Аммо,

моддий-маънавий ҳаётнинг ўзгариши, тарихий жараёнлар, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг бир-бири билан қўшилиб аралашиб кетиши натижасида сўзлар маъноси ўзгаришларга учраган. Агар, диққат билан ўрганиб чиқилса, халқимиз орасида учрайдиган сўзларнинг чуқур маънога эга эканлигини англаймиз, чунки қадимги туркий тил ўзининг сўз бойлиги билан миллий-маънавий хазинамизни чексиз бойитиб келган. Зеро, сўзларни ўрганиш, унинг маъно-мазмунини тушуниш ҳам муҳим масаладир.

Марказий Осиёда яшовчи туркий халқларнинг тил ва этник тарихини ўрганган йирик тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк»<sup>1</sup> асарида туркий тилларга оид муҳим маълумотларни кўрамыз. Шунингдек, асарда Марказий Осиёда яшовчи туркий халқлар, қабилалар ва уларнинг тил хусусиятлари ҳамда диалектлари ҳақида ҳам бой фикр-мулоҳазалар берилган.

Жаҳоннинг кўпгина тилларида узоқ ўтмишда фойдаланилган баъзи сўзларнинг сақланиб қолиши тасодифий ҳодиса эмас. Буни асосан инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи кишиларнинг ўзаро муносабатлари натижаси ва ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият, тарихий воқеа, ҳодиса, жараёнлар изоҳланиши билан ва бунга кўплаб мисолларни далил сифатида келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, озиқ-овқатлар таркибига кирувчи, кундалик турмушда доимий истеъмол қилиб келинадиган «ёғ» – рус тилида *жир, масло*, «Девону луғотит турк»да ҳам *jip*<sup>2</sup> («жир») деб қўлланилган. Шунингдек, рус тилидаги «бекмес» сўзига мурожаат қилсак, ўзбек тилида унинг «шинни» маъносини англатишини биламиз. Девонда ҳам мазкур сўз *бэкмас*<sup>3</sup> (бекмас) деб аталиб, қадимий ўғиз тилидан олингани келтирилган. Мевалардан бири «беҳи»ни рус тилида *айва* деб аталишини биламиз. Буни қарангки, ўрта асрларда ушбу мева *awja*<sup>4</sup> (авйа) деб юритилган.

«Девону луғотит турк»да уй-рўзғор буюмларига ҳам эътибор қаратилган. Энг кўп ишлатиладиган буюмлардан бири «дазмол» – рус тилида *утюг*, Девонда *отук*<sup>5</sup> (ўтук) шаклида учрайди. Қадимда чорвадорларнинг энг муҳим буюмларидан бири «меш» – *бізріг*<sup>6</sup> (биғриғ) деб аталган, рус тилида ҳам мешнинг *бурдюк* деб аталганлигини биламиз. «Қайроқ тош» русчада «точный камень, наждак» дейилади. Маҳмуд Қошғарий ушбу асбобни *ниждаг*<sup>7</sup> (ниждағ) деб қўлланилганлигини ёзади. Асбоб-ускуналардан яна бири «ўроқранда» – рус тилида *кирка* дейилса, қадимги туркийча у *кэркі*<sup>8</sup> (керки) деб аталган. Шунингдек, уй қуришда энг муҳим ашёлардан бири ҳисобланган «ғишт» – рус тилида *кирпич* эканлигини биламиз, аммо қадимий туркий тилда ҳам *кэрпич*<sup>9</sup> (керпич) шаклида қўлланилганлигидан кам хабардормиз. Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида ҳозир ҳам

<sup>1</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталибов, 1-жилд, Тошкент, 1963.

<sup>2</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ.Абдурахмонов ва С.Муталибов иштироки ва таҳрири остида. Тошкент, 1967. 90-бет.

<sup>3</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 64-бет.

<sup>4</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 11-бет.

<sup>5</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 201-бет.

<sup>6</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 67-бет.

<sup>7</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 183-бет.

<sup>8</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 156-бет.

<sup>9</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 156-бет.

ғиштнинг *карвич* деб аталишидан кўриш мумкинки, бу атама ўз шаклини бироз ўзгартирсада, юртимизнинг баъзи ҳудудларида ҳали ҳам қўлланилиб келмоқда.

Шунингдек, кийим-кечаклар борасида ҳам мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, қадимги туркий тиллари(ўғуз)дан бирида *башмақ*<sup>10</sup> (башмак) – ҳозирги ўзбек тилида «тўпик» маъносида келади. Рус тилидаги *башмаки* сўзини олсак, пойафзални, яна ҳам аниқроғи тўпикқача кийиладиган оёқ кийимни тушуниш мумкин. Тўғридан-тўғри *башмақланди* ни таржима қиладиган бўлсак, «сандал кийди, чувак кийди», русчада эса *заимел башмаки* маъносида келади. Шу билан бирга маиший ҳаётга яхши кириб борган «фартук» – ошпаз, сартарош, уй бекалари ҳамда завод, фабрика ишчи ва хизматчилари томонидан кенг ишлатилади. *Фартук* – қадимда ифлосланмаслиги учун либос устидан кийиладиган кийим бўлиб, *парту*<sup>11</sup> (парту, барту), яъни «бир қаватли устки тўн» деб аталган. Бундан ташқари, ичкилик дўкони сифатида хизмат қиладиган майхоналар қадимда *кэбит*<sup>12</sup> (кебит) деб аталиб, рус тилида *кабак, кабаре* шаклида қўлланилади. Яна бир мисол, кизил ранг халқ орасида «алвон», «ол ранг» деб ҳам юритилади. Қадимги туркийда бу ранг –*ал*<sup>13</sup> (ал) деб аталиб, рус тилида *алый, красный* демакдир. Балки бу сўз «аланга» сўзидан келиб чиққандир, чунки ҳозирги турк тилида «аланга» – *alev*<sup>14</sup> (алев) деб аталади.

Маълумки, ўзбек умумхалқ тилида қишлоқ хўжалик, чорвачилик, турар жой, уй жиҳозлари, асбоблар, айрим ҳайвон, ўсимлик номлари кўпинча шеваларда айтилади. Қипчоқ шеваларига хос *ж*-лашишни Сурхон воҳаси қишлоқларида учратамиз. Қуйида айрим сўзлар борасида тўхталамиз: «жемиш» – ҳозирда чорвачиликда ишлатиладиган ем-хашак атамаси сифатида қўлланилади. Қадимий туркий тилда эса *жемшиш* – «хўл мева» маъносида қўлланилиб, *жемшишланди* – «дарахт мева қилди», «мева берди» маъноларини англатган<sup>15</sup>. Албатта, даврлар ўтиши билан бу сўз маъноси ўзгаришга учраган бўлсада, асл моҳиятига яқинлиги сезилиб туради.

Рўзғорда «хамир қилмоқ» сўзи кўпинча «хамир йўғирмоқ», «бир зувала хамир йўғирмоқ» каби шаклларида келади. Йўғирмоқни *ж*-лашган варианты *жўғирмоқ* бўлади. Қадимий туркий тилга мурожаат қилсак, *жугуртти* – «хамир қилдирди», *жугрулди, ун жугрулди* – «хамир қорилди», *жугрум, бир жугрум ун* – «бир хамирлик ун» маъноларини беради. Аслида эса «лаган» - *жугри* деб аталиб, *бир жугрум ун* – «бир лаган ун» маъносидан келган бўлса керак. Демак, ҳозирги кунда ишлатиладиган «йўғирмоқ» маъноси балки «лаган» сўзидан келиб чиққандир. *Жугургуч* эса хамир қилишда ишлатиладиган *ўқлоги* бўлиб, қатпаторни – *жуга* деб аташган. Яъни, *жугургуч* ёрдамида қат-қат қилиб тайёрлангани учун *қатпаторни* оддийгина қилиб *жуга* деб қўя қолишган<sup>16</sup>.

Яна бир сўз, рўзғорда қатиқ уютишда *қатиқ томизгиси* ишлатилади ва бу аксарият қишлоқларда «кўр» деб аталади. Айнан, қадимий туркий тилда ҳам қатиқ томизгиси *қор*

<sup>10</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 60-бет.

<sup>11</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 201-бет.

<sup>12</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 149-бет.

<sup>13</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 16-бет.

<sup>14</sup> Туркча-ўзбекча ва ўзбекча-туркча луғат. Тошкент, 1993, 12-бет.

<sup>15</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 125-бет.

<sup>16</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 144-145-бетлар.

деб аталиб, *қорланди* – «ачиди» маъносини берган<sup>17</sup>. Яъни, бу сўз ўзгаришларга учрамасдан бизнинг давримизгача етиб келган. Ўз маъносини ўзгартирмасдан етиб келган сўзлардан яна бири «тотли», «ширин» сифатлари бўлиб, қадимда – *татлиғ* деб қўлланилган. Аммо, *ширинлик* сўзининг ўзи ўзгаришга учраб, қадимда *ширинлик* - *татлиғ* деб аталган, яъни, юқоридаги «татлиғ» маъносидан келиб чиққан<sup>18</sup>.

Ўзбек ошхонасида анъанавий равишда тайёрланиб келган маросим таомларидан бири *ҳолвайтардир*. Ҳолвайтарнинг қадимий таом эканлигини Ўрта Осиёнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний, унинг асосан таъзия маросимларида пиширилганлигини К. Шониёзов ва Б.Х. Кармишевлар ҳам қайд этиб ўтишган<sup>19</sup>. Ҳолвайтар Ўрта Осиёнинг ҳамма аҳоли манзилларида тайёрланиб, номи форс-тожик тилидан олинган бўлиб, «суёқ ҳолва» ёки «хўл ҳолва» маъносини беради, деб ёзади Қозоқбой Маҳмудов<sup>20</sup>. Энди «ҳолвайтар» сўзининг ўзагидаги «тар» сўзига мурожаат қиладиган бўлсак, у қадимий туркий тилда - *ёз қуйқаси* маъносини беради<sup>21</sup>. Агар ҳолвайтарни тайёрланиш усулига эътибор қаратсак, ун ёғда қизартириб ковурилади ва шакар билан сув солиниб, қуюқлашгунча қайнатилади. Демак, ҳолвайтар ёғда тайёрланиши билан бирга «суёқ, хўл ҳолва» ҳамдир. Яъни, «ҳолвайтар» сўзининг маъноси ҳам қадимий туркий тилдан келиб чиққан деган тахминни уйғотади, ҳам форс-тожик тилидан олинганлигига мос келади. Бундан кўриш мумкинки, ҳали этнограф ва лингвистлар олдида оддий кўринсада, ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар кўндаланг турибдики, агар ўз ечимини топса, кўп нарсага ойдинлик киритиш мумкин.

Маълумки, уй ҳайвонларидан бири бўлган сигирнинг воҳамизнинг кўп кишлоқларда – *инак* деб аталишининг гувоҳи бўлганмиз. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг қадимий туркий тилларига бағишланган Индекс-луғатида ҳам сигир - *инак* шаклида қўлланилади<sup>22</sup>. Изланишлардан маълум бўлдики, қадимий туркий тилга хос бўлган бу сўзни Сурхондарёнинг қарлуқ лаҳжасига кирувчи шевада сўзлашадиганлар ишлатишар экан<sup>23</sup>. Маълумот учун айтиш керакки, Сурхондарёдаги ўзбек шевалари: 1) ж-ловчи ўзбек шевалари (қипчоқ лаҳжасига хос шевалар); 2) й-ловчи ўзбек шевалари (қарлуқ лаҳжасига хос шевалар); 3) икки тилда сўзлашувчи шеваларга бўлинади<sup>24</sup>.

Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий турмуш тарзига эътибор берганда шуни кўрамызки, воҳанинг ярим ўтроқ чорвадор аҳолисининг уй-жойлари асосан қора уй (ўтов)лардан иборат бўлган. Улар тол новдаларидан қилиниб, уйнинг асоси керага, увук ва

<sup>17</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 371-372-бетлар.

<sup>18</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 253-бет.

<sup>19</sup> Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Танланган асарлар. – Тошкент, 1968. I-том, 281-бет; Шониёзов К. Беруний асарларида этнографияга оид материаллар // Беруний ва ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1973, 132-бет; Кармышева Б.Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы. // Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. М.,1986, стр. 151.

<sup>20</sup> Маҳмудов К. Мехмоннома. – Тошкент, 1989, 90-бет.

<sup>21</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 249-бет.

<sup>22</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 98-бет.

<sup>23</sup> Рахимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. Тошкент, 1985, 19-бет.

<sup>24</sup> Рахимов С. Ўша асар, 13-бет.

чанғароқдан иборат бўлган. *Керага* - уйнинг суяги ҳисобланиб, битта қора уйда 4 та керага бўлган ва тўртталаси бирлаштирилиб айлантирилганда қора уйнинг айлана панжара қисми ҳосил бўлган<sup>25</sup>. Маҳмуд Қошғарий эса - *керагу* деб чодирни ўзини атайди. Масалан, *керагуланди* - қадимий туркий тилда ўзига чодир тикди, деган маънони англатади<sup>26</sup>. Балки, ўтов керагаси - *керагу* сўзи, яъни чодир маъносидан келиб чиққандир. Ваҳоланки, ўтов ҳам, чодир ҳам кўчманчи чорвадорларнинг уй-жойлари бўлиб, шакли, қурилиши ўзгарса-да, иккаласидан ҳам бир маъно касб этади.

Халқ орасида, айниқса, қарияларнинг суҳбатига қулоқ солсангиз, бирор узоқроқ жойга бормоқчи бўлишса, *қўлик* борми, дейишади. Бу билан улар техникани, яъни, автомобилни назарда тутишади. Девонда ҳам *қўлук* сўзи учрайди ва юк ортиш мумкин бўлган ҳайвон орқаси маъносида келади<sup>27</sup>. Иккала мисолдан ҳам бир хил маънони англаш мумкин, яъни иккаласи ҳам юк ташувчи восита сифатида келаяпти.

Яна бир мисол, аҳоли орасида *кўнди*, *кўникди*, *кўникмоқ* сўзлари инсоннинг мавжуд шароитга мослашиб, кўникиб кетганлигини ёки бирор кишининг илтимосига кўнганлигини билдиради. Бу сўзнинг туб илдизига қарайдиган бўлсак, *кўникти* сўзи - *чарчади* маъносини берар экан<sup>28</sup>. Бунга мантиқан ёндашадиган бўлсак, албатта, ўша шароитдан чарчаган инсоннинг кўникишдан бошқа иложи қолмайди. Демак, кўникиш сўзининг ўзак маъноси «чарчаш» сўзидан келиб чиққан экан.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда моддий маданиятнинг ҳамма соҳаси бўйича кўрғазмалар ташкил этилиб, унда санъат ва хунармандчилик турлари (тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, ва бошқ.)нинг энг сара намуналари намойиш этилади, яъни кўрсатилади. Қадимда эса *кўрғазма* - *чиройли* деган маънони англатиб, Маҳмуд Қошғарийнинг Индекс-луғатида *кўрғазти* дегани *чиройли бўлди* маъносида келар экан<sup>29</sup>.

*Тун* сўзининг - «тун, кеча, кечкурун» маъноларини англатишини биламиз ва инсон тун давомида чарчоқларини чиқариб дам олади, ухлайди, тинчланади. Аслида эса, *тун* – *тинчланиш* маъносини англатар экан<sup>30</sup>.

Ёки, яна бир мисол, *бола* маъноси жуда кўп маънода келади. Жумладан, инсон боласи, ёш ўғил бола, ёш болалар, хуллас, инсон фарзанди. Шунингдек, жониворлар боласи: туя боласи- бўталоқ, от боласи- тойчоқ, қўй боласи - кўзичоқ, товуқ боласи - жўжа, қуш боласи - полапон ва ҳ.к. Қадимги туркий тилга эътибор қаратадиган бўлсак, *бала* – *қуш боласи* маъносини бериб, *балалади* – *бола очиб чиқди*, деган маънони англатган<sup>31</sup>. Яъни, қуш боласидан - *бола* сўзи келиб чиқиб, инсонларга нисбатан ҳам қўлланадиган кўп маъноли сўзга айланган. Балки, кейинчалик, *бола* сўзи ўзгаришга учраб қуш боласига нисбатан қўлланиладиган полапонга айлангандир.

<sup>25</sup> Кичкилов Х., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши. «Жайхун» журнали. Термиз, 2005. № 1, 38-бет.

<sup>26</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 155-бет.

<sup>27</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 167-бет.

<sup>28</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 168-бет.

<sup>29</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 169-бет.

<sup>30</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 183-бет.

<sup>31</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 54-бет.

Шунингдек, «жигар» сўзи туркий халқларда *багир* деб аталиб, *багирсади*–«жигар тусади», деган маънони билдирган<sup>32</sup>. Бу атама Сурхондарё шеvasида *бавыр*, *багыр*; ўзбек адабий орфографиясида *багир*; туркманчада *багыр*; қозоқчада *бауыр*; қирғизчада *боор*; озарбайжончада *багыр*; татарчада *баур*; туркчада *багыр* деб аталиб<sup>33</sup>, ўз навбатида кўчма маънода ҳам келган. Жумладан, *бэдук багирлиг* – *багри бутун*, *багирлиг эр* – *шижоатли одам*, *багирсақ* - *хушмомалали*, *ёқимли киши* деган маъноларни англаган<sup>34</sup>. Демак, бу сўзлар ўз ва кўчма маъноларда келсада, бир сўздан, яъни ўзаги бир – «бағир»дан келиб чиққан.

Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудлари бўлган Хоразм ва Қорақалпоғистонга борсангиз, сабзавотлардан бири ҳисобланган сабзини *гешир* деб атаганларини эшитасиз. Қадимда эса, сабзавотлардан турпни *кешур* деб атаганлар<sup>35</sup>. Албатта, бунда атаманинг бир сабзавотдан иккинчи сабзавотга кўчганлиги кўриниб турибди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки: бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳозирги замон тилларининг ўзаро муносабатлари ва ўхшашлик томонларини чуқур ўрганиш асосида турли халқларнинг тарихан бир-бири билан алоқадор ва ўзаро боғлиқ эканлигини билиб олиш мумкин. Бу ҳол оилавий тиллар, шунингдек, халқларнинг келиб чиқишида муштарак умумий боғланиш мавжудлигини англатади. Қадимий Шарк халқлари маданий меросининг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Улар фақат ўзи вужудга келган заминга оид бўлибгина қолмай, умумбашарий маданият ва тафаккурнинг маҳсуллари дир. Шу жиҳатдан олганда, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» қомусий асари халқларнинг тилини ва этник тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади ва маънавиятимиз тарихини чуқурроқ билишда ўзига хос ўрин тутади.

## REFERENCES

1. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. Ғ.Абдурахмонов ва С.Муталибов иштироки ва таҳрири остида. Тошкент, 1967.
2. Дониёров Х.Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968.
3. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1988.
4. Нафасов Т. Қишлоғингиз нега шундай аталган? Тошкент, 1989.
5. Турсунов С. Шеробод тарихидан лавҳалар. Денов,1993
6. Турсунов Н. Сурхон воҳаси тоқчилари этник тарихидан // «Турон тарихи», Тошкент, 2008-йил, II қисм, 27-29 бетлар.
7. Rahmonov, M. (2023). TRADITIONAL LIFESTYLE OF THE TOKCHI PEOPLE OF SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(4), 720-722.
8. AN'ANAVIY, S. V. T. Q., & TARZI, T. (2023). MODERN SCIENCE AND RESEARCH. *MODERN SCIENCE*, 2181, 3906.

<sup>32</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 61-бет.

<sup>33</sup> Раҳимов С. Ўша асар, 86-бет.

<sup>34</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 62-бет.

<sup>35</sup> Девону луғотит турк. Индекс-луғат, 160-бет.

9. AN'ANAVIY, S. V. T. Q., & TARZI, T. (2023). MODERN SCIENCE AND RESEARCH. *MODERN SCIENCE*, 2181, 3906.
10. Dulanov, O. Y. (2021). Ethnic history of the area where hundreds (zhuzes) are located in the surkhandarya oasis. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 910-913.
11. Dulanov, O. (2023). TYPES OF FARMING OF HUNDREDS (JUZ) INHABITING THE SURKHAN OASIS. *Modern Science and Research*, 2(9), 161-165.
12. Yuldashevich, D. O. (2023). SURXON VOHASIDA YASHOVCHI YUZ (JUZ) LARNING AN'ANAVIY CHORVACHILIGIDA QO'YCHILIKNING AHAMIYATI. *Conferencea*, 65-69.
13. Yuldashevich, D. O. (2023). YUZ (JUZ) LAR HUNARMANDCHILIGINING AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY JIHATLARI. *Conferencea*, 60-64.
14. Дуланов, О. Ю. (2021). СУРХОН ВОҲАСИ ЖУЗЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТАОМЛАРИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-3).
15. Холмуминов, Х. Э., & Эшмуминов, О. З. (2022). ПРОБЛЕМЫ В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ПЕРЕСЕЛЕННОГО НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (1925-1941 ГГ.). *Бюллетень науки и практики*, 8(1), 286-289.
16. ХОЛМУМИНОВ, Х. Э., & ЭШМУМИНОВ, О. З. (2022). ПРОБЛЕМЫ В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ПЕРЕСЕЛЕННОГО НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (1925-1941 ГГ.). *БЮЛЛЕТЕНЬ НАУКИ И ПРАКТИКИ* Учредители: Овечкина Елена Сергеевна, 8(1), 286-289.
17. Холмуминов, Х. Э., & Эшмуминов, О. З. ПРОБЛЕМЫ В СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ПЕРЕСЕЛЕННОГО НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ (1925-1941 гг.).
18. Raimov, M. (2023). A NEW ERA IN THE STUDY OF TERM HISTORY. *Modern Science and Research*, 2(9), 146-151.
19. Radjabova, S. (2023). STATE POLICY TO SUPPORT WOMEN (FIRST STEPS). *Modern Science and Research*, 2(6), 49-52.
20. Radjabova, S. (2023). ACTIVITIES OF WOMEN IN THE CULTURAL LIFE OF SURKHANDARYA REGION. *Modern Science and Research*, 2(6), 53-55.
21. Choriyev, S. H. (2023). CULTURAL LIFE IN SURKHANDARYA IN THE YEARS AFTER THE SECOND WORLD WAR. *Modern Science and Research*, 2(9), 283-286.
22. Qarshiyev, I. (2023). CLOTHES ARE A MATERIAL SOURCE THAT SPEAKS OF THE PAST. *Modern Science and Research*, 2(4), 741-745.
23. Qarshiyev, I. (2022). SURXON-SHEROBOD VOHASI QO 'NG 'IROTLARINING KIYIM-KECHAKLARI VA ETNIK XUSUSIYATLAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(12), 529-535.
24. Maxmarahim o'g'li, Q. I. (2023). SURXON-SHEROBOD VOHASI QO 'NG 'IROTLARNING MODDIY MADANIYATIDA YUZ BERGAN O 'ZGARISHLAR. *Conferencea*, 37-41.



25. Maxmarahim o'g'li, Q. I. (2023). QO 'NG 'IROT LARNING MODDIY MADANIYATIDA TRANSFORMATSIYON JARAYONLAR. Conferencea, 33-36.
26. Maxmarahim o'g'li, Q. I. (2023). KIYIM-KECHAKLAR-O 'TMISHDAN SO 'ZLOVCHI MODDIY MANBA.